

## Ислом цивилизацияси марказининг бошқа марказлардан фарқи нимада?



09:10 / 29.06.2019 2391

Ушбу саволга 28 июнь куни Халқаро Пресс-клубда спикер сифатида қатнашган Ислом цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров жавоб берди.

Ш.Миноваровнинг таъкидлашича, марказ 20 га яқин турдош марказлар билан илмий алоқада бўлади.

Шунингдек, марказнинг ўз ахборотномаси мавжуд бўлиб, у халқаро меъёрларга асосланади. Ислом цивилизация маркази Мисрнинг Ал-Азҳар университети билан ҳам онлайн тарзда илмий муҳокамалар олиб боради.

Марказнинг ўз расмий сайти ташкил этилади ҳамда араб тили ва бошқа тилларда фаолият юритади. Ш.Миноваровнинг айтишича, халқаро

алоқалар Ислом цивилизацияси марказининг асосий мақсадларидан бири бўлади ва у халқаро илмий жамоатчилик марказидаги илм даргоҳи бўлиши кутилмоқда.

Самарқанд ва Термиздаги ислом марказларидан фарқи шундаки, Ислом цивилизацияси марказида илмий текшириш лабораториялари, кўргазмалар мажмуи ташкил этилади. Марказда III асрдан бошлаб ҳозиргача миллатимиз яратган асарлар ўрин олади. Соҳа бўйича таҳсил олаётган магистрлар илмий ишларини олиб боровчи тадқиқот хоналари қурилади. Бир сўз билан айтганда, Ислом цивилизацияси марказига кирган инсон ислом дини ҳақидаги тасаввурларини бойитади.

***Islom.uz портали***